

**РИЁЗУС-СОЛИҲИЙН**  
**Ҳаж Ислом рукнларидан бири эканлиги**  
**ҳақидаги ҳадислар шарҳи**

(2)  
[ Ўзбекча ]

شرح رياض الصالحين  
الأحاديث الواردة في أن الحج الركن الخامس من أركان الحج

(2)  
[ اللغة الأوزبكية ]

**Абу Абдурахмон Насафий**

أبو عبد الرحمن النسفي

**Мухаррир:** Дорул Ислом тахририяти

مراجعة: فريق عمل الأوزبكي

**Риёз шаҳри Робва маҳалласи диний тарғибот бўлими**

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة بمدينة الرياض

2008 –1429

islamhouse.com

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Аллоҳ таолога ҳамду сано ва пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламга дуруду саловатлар бўлсин.

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ! Азиз ва муҳтарам мусулмон биродарлар.

Ушбу дарс имом Нававийнинг Риёзус-солиҳийн номли китобидаги (Ҳаж китоби)га қилинган шарҳнинг давоми бўлиб, унда ҳаж исломнинг беш рукндан бири эканига ва у умрда бир марта фарз бўлишига далолат қиладиган ҳадисларнинг шарҳига бир оз тўхталиб ўтамиз ва Оллоҳ таъолодан бизларга фойдали илм ато этиб, солиҳ амаллар қилишга муваффақ қилишини сўраб қоламиз.

:  
:  
.

Абдуллоҳ ибни Умар (*розиаллоҳу анҳума*)дан ривоят қилинишича Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*): "Ислом беш (*рукн*) устига қурилган; Оллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқлиги ва Муҳаммад унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бериш, намозни адо этиш, закот бериш, Каъбага бориб, ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш." - деган эканлар. (*Муттафақун алайҳ*)

## Шарҳ:

Ушбу ҳадисда ислом дини беш устунли қасрга ўхшатилмоқда. Маълумки устун бинонинг пойдевори ҳисобланиб, усиз бино қулаб кетади. Бордию устунсиз қурилса, ўта заиф қурилади. Лекин ислом мустаҳкам, кучли бино бўлиб, Оллоҳ таъоло уни бандаларига машруъ қилиб у ҳақида: **“Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (*фақат*) Исломни дин қилиб танладим.”**-деди.

### Ислом асослари

#### Биринчи асос:

Оллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқлиги ва Муҳаммад (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бериш. Яъни Оллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқлиги ва Ундан ўзга сиғиниладиган барча маъбудалар ботил эканини тил билан эътироф қилиб, қалб билан тасдиқлаб гувоҳлик бериш. Баъзи одамлар қуёшга, баъзилари ойга, баъзилар сигирга ва яна баъзилар инсон зикр қилишга уяладиган нарсаларга сиғиниб, ибодат қилишади. Турли-туман миллат ва элатлар ҳар хил маъбудаларга сиғинишади, лекин ҳақиқий илоҳ ким?! Ҳақиқий сиғиниладиган илоҳ буюк ва ягона Оллоҳ таъолодир. Шариат ва ақл шуни тақозо қилади, чунки халойиқни яратган зотгина ибодат қилинишга ҳақли бўлади. Хўш, борлиқни ким яратган? Албатта уни Оллоҳ таборака ва таъоло яратган. Оллоҳ таъоло Тувр сурасида: **“Балки улар ҳеч нарсадан (*яъни, Яратгувчисиз*) яралиб қолгандирлар?! Ёки улар ўзлари яратгувчимиканлар-а?!”** (*Тувр: 35*)-деган бўлса, Воқеъа сурасида: **“Сизлар тўқадиган маний-уруғ ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингларми? Уни сизлар яратурмисизлар ёки Биз яратгувчимизми?!”** (*Воқеъа: 58-59*)-дейди. Агар

халойиқнинг ҳаммаси битта эмбрион яратишга жамланишса ҳам уларнинг бунга кучлари етмайди. Оллоҳ таъоло айтадики: “**Эй инсонлар, бир масал айтилгандир, шундай экан унга қулоқ тутингиз! Аниқки, сизлар Оллоҳни қўйиб илтижо қилаётган бутлар агар барчалари бирлашганларида ҳам бир чивин ярата олмаслар, агар чивин улардан бирон нарсани тортиб олса уни (ўша чивиндан ҳам) қутқариб ола билмаслар. (Демак ўша бутлардан ҳожатини раво қилишни) сўрагувчи (муширик) ҳам, сўралгувчи (бутлар) ҳам ночор-нотавондир.**” (Ҳаже: 73) Ажабо! Ноҳақ сиғиниладиган маъбудалар барчаси жамлансалар ҳам битта чивин ярата олмас эканлар. Яна Оллоҳ таъоло айтадики: “**Айтинг: Қасамки, агар бор инсу жин мана шу Қуръонни ўхшашини келтириш йўлида бирлашиб, бир-бирларига ёрдамчи бўлсалар-да, унинг ўхшашини келтира олмаслар.**” (Исро: 88) Демак, Оллоҳдан ўзга бирон зот Унинг яратишидек ярата олмайди, ва бирон зот Унинг каломига ўхшаш каломни келтиролмайди. Оллоҳ таъоло айтади: “**Қасамки, агар улардан «Осмонлар ва Ерни ким яратган?» деб сўрасангиз албатта «Оллоҳ» дерлар.**” (Луқмон: 25) (Эй Муҳаммад), қасамки, агар сиз улардан ўзларини ким яратгани ҳақида сўрасангиз, албатта улар: «Оллоҳ», дерлар. (Зухруф: 87) (Эй Муҳаммад) айтинг: «**Ким сизларга осмон ва заминдан ризқ берур ёки ким қулоқ-кўзларингизга эгалик қилур?! Ким ўликдан тирикни чиқарур ва тирикдан ўликни чиқарур ҳамда ким барча ишларни тадбир қилиб турур?!» Улар албатта: «Оллоҳ», дейдилар.** (Юнус: 31) Демак, ушбу улуғ сифатлар эгасигина ибодат қилинишга лойиқ бўлади. «Ла илаҳа иллаллоҳ» шаҳодати ибодатлар фақат ўша билангина тўғри бўладиган ихлосни ва «Муҳаммадун Расулуллоҳ» мазмунидан келиб чиқадиган Пайғамбаримизга эргашишни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам бу икки шаҳодат битта рукн ҳисобланади.

#### **Иккинчи асос:**

Иккинчи асос намозни адо этиш бўлиб, унинг маъноси: беш вақт намозни ўз вақтида, шарт, рукн ва вожибларини тўлиқ бажариб, унинг мустаҳабларини комил қилиб адо қилиш дегани.

#### **Учинчи асос:**

Учинчи асос закотга ҳақли кишиларга закот бериш. Закот араб тилида зиёда бўлиш маъносида ишлатилса, шаръий истилоҳда: закот махсус мол эгасига махсус молдан маълум бир қисмини вожиб қилишдан иборат экан. Маълум миқдорда пул, савдо моллари, ва чорва моллари каби закот бериш вожиб бўлган бойликларга эга бўлган киши шу турдаги бойликларда шариат белгилаган миқдордаги садақа-закотни бериши фарз бўлиб, унинг (Закот китоби)да зикр қилинган маълум шартлари бор. (Таърийфот, Журжоний, 1/37) Закотга ҳақли кишиларни эса Оллоҳ таъоло Тавба сурасида батафсил баён қилиб, шундай дейди: “Албатта садақалар (яъни закотлар) Оллоҳ томонидан фарз бўлган ҳолда, фақат фақирларга, мискинларга, садақа йиғувчиларга, кўнгиллари (Исломга) ошна қилинувчи кишиларга, қулларни озод қилишга, қарздор кишиларга ва Оллоҳ йўлида ҳамда йўловчи мусофирларга берилур. Оллоҳ билим ва ҳикмат Соҳибидир.” (Тавба: 60) Мазкур кишилардан бошқа бировларга берилган закот Ислом назарида макбул эмас.

#### **Тўртинчи асос:**

Тўртинчи асос ҳаж ибодати бўлиб унинг маъносини юқорида айтиб ўтдик. Ҳадисдаги (ҳажжул-байт)дан мақсад ал-Масжидул-ҳаромни ва ҳаж мавсумида бажариладиган бошқа буюк маросимларни қасд қилиб бориш. (Абу Ҳанифа муснадининг шарҳи, Мулло Али Қори, 1/329)

#### **Бешинчи асос:**

Бешинчи асос эса Шаъбон ва Шаввол ойлари орасидаги "Рамазон ойида рўза тутиб бериш". (Риёзус-солиҳийн шарҳи, Ибни Усаймийн, 3/219-221) "Рамазон ойининг фазилати" ва унда рўза тутиб беришнинг ажру-савоблари ҳақида Риёзус-

солиҳийн китобидаги (Китабул-фазоил) "Фазилатлар китоби" да етарлича тўхталиб ўтдик.

Абу Хурайра (*розияллоҳу анҳу*) ривоят қилиб дейдилар: "Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) бизга хутба қилиб: "Эй одамлар, Оллоҳ сизларга ҳаж қилишни фарз қилди, шундай экан ҳаж қилинглари."-деб айтдилар. Шунда бир киши: "Эй Расулуллоҳ, ҳар йилими?"-деб сўради. Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) индамадилар, ҳатто бу гапни уч марта айтди. Шунда Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*): "Агар "Ҳа."- деганимда у вожиб бўлиб қолиб, унга кучларинг етмай қоларди."-дедиларда, сўнг: "Модомики мен (бу хусусда гапирмай) сизларни тинч қўйдимми, сизлар ҳам мени тинч қўйинглари. Сизлардан олдингиларни фақат уларнинг кўп сўрашлари ва пайғамбарларига ихтилоф қилишлари ҳалок қилган. Агар бирон нарсага буюрсам, уни қўлларингиздан келганича қилинглари, бирон нарсадан қайтарсам, уни тарк қилинглари."-дедилар." (*Муслим ривояти*)

### **Шарҳ:**

Бошқа ривоятда бу саволни Акраъ ибни Хобис (*розияллоҳу анҳу*) берганлиги баён қилинган. Пайғамбаримиз (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*)нинг: "Модомики мен (бу хусусда гапирмай) сизларни тинч қўйдимми, сизлар ҳам мени тинч қўйинглари."-деган сўзлари аслида инсонга бирор ибодат вожиб бўлмаглиги ва шариат келмасдан олдин ҳеч қандай ҳукм йўқлигига далолат қилади. Тадқиқотчи усул уламолари Оллоҳ таъолонинг: "Биз то бирон пайғамбар юбормагунча (*у орқали Ўзимизнинг амру фармонларимизни юбориб, унга итоат қилишдан бош тортмагунларича, бирон кимсани*) азоблагувчи эмасмиз." (*Исро: 15*)-деган оятини далил қилиб, ушбу фикрни тўғри деб топишган экан. Пайғамбаримиз (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*)нинг: "Агар бирон нарсага буюрсам уни қўлларингиздан келганича қилинглари."-деган сўзлари исломнинг муҳим қоидаларидан бўлиб, Пайғамбаримиз (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*)га берилган жавомеъул-калим (яъни сермазмун сўзлар)дан саналади. Бунга сон-саноксиз аҳкомлар қиради. Масалан: намознинг баъзи шарт ё рукнларини бажаришдан ожиз бўлган киши қолганларини бажаради. Агар ғул ё таҳорат аъзоларидан баъзиларини ювишдан ожиз бўлса, ювиш имкони борларини ювади. Агар таҳорат учун ё нажосатни кетказиш учун етарли сувдан озроғини топса, имкони борини қилади. Агар авратининг баъзи қисмини беркитадиган нарса топса, ёки Фотиҳа сурасини баъзисини ёдласа, имкони борини қилади ва ҳоказо. Пайғамбаримиз (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*)нинг: "Агар бирон нарсага буюрсам уни қўлларингиздан келганича қилинглари."-деган сўзлари Оллоҳ таъолонинг: "Кучларингиз етганича Оллоҳдан қўрқинглари."-(*Тағобун: 16*)деган оятига мувофиқ келади. Аммо Оллоҳ таъолонинг: "Оллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинглари."-деган ояти ҳақида икки хил фикр бор. Биринчиси: Ушбу оят Оллоҳ таъолонинг: «Кучларингиз етганича Оллоҳдан қўрқинглари.»-деган ояти билан мансух яъни бекор қилинган. Иккинчиси: Ушбу оят мансух эмас, балки Оллоҳ таъолонинг: «Кучларингиз етганича Оллоҳдан қўрқинглари.»-деган ояти

унинг: “Оллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан кўрқинлар.»-деган оятдан кўзланган мақсадни баён ва тафсир қилмоқда. Мана шу фикр тўғрироқ фикр бўлиб, буни тадқиқотчи уламолар қўллаб-қўвватлашган. Улар айтишларича: Оллоҳ таъолонинг: “Оллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан кўрқинлар.»-деган оятининг маъноси Оллоҳнинг буйруқларига бўйсуниб ва ман қилган нарсаларидан четланиш дегани. Ҳолбуки Оллоҳ фақат имкони бор нарсага буюради. Оллоҳ таъоло Бақара сурасида: «Оллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага тақлиф қилмайди.» (Бақара: 286)-деган бўлса, Ҳаж сурасида: «Ва бу динда сизларга бирон ҳараж-танглик қилмади.» (Ҳаж: 78)-дейди. Валлоҳу аълам. (Саҳиҳ Муслим шарҳи, Нававий, 4/499)

*Давоми бор*